

Мактабгача таълим ташкилоти биноси фойдаланишга топширилди.



Бугунги кунда мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълимни ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шароит яратиш юзасидан кенг кўламли ислохатлар амалга оширилмоқда.

Бугун Қумқўрғон туманидаги "Элобод" маҳалласида жойлашган 125 ўринли 32-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Ушбу мактабгача таълим ташкилотини туман ҳокими Анвар Нормаматов, ҳамда нуроний оқсоқоллар очиб берди.

Юртбошимизнинг таълимга қаратаётган эътиборлари ёш ўғил-қизларни билимли салоҳиятли бўлиб улғайишига кенг замин яратади.